2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 31 (31), 2020 йил 7 март, шанба

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston milliy kutubxonasi
201 A

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев атроф-муҳитни асраш ва чиқиндиларни бошқариш тартибини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ҳамда 2019–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси ижроси қониқарсиз деб топилди. Хусусан, атроф-муҳитга салбий таъсирлар сақланиб қолмоқда. Атмосферага катта миқдорда ифлослантирувчи моддалар чиқарилмоқда. Фауна ва флорага хавф ортиб боряпти.

Маиший чиқинди ҳажми йилига 7 миллион тоннадан зиёд бўлиб, унинг атиги 19 фоизи қайта ишланмоқда. Бу борада хусусий сектор улуши паст. Санитар тозалаш хизматлари ҳамма маҳаллаларда ҳам мавжуд эмас. Қурилиш ва саноат ривожи натижасида чиқиндилар ҳажми ортмоқда.

Йиғилишда аҳолига санитар хизмат кўрсатиш қамровини 2021 йилда 100 фоизга етказиш, 221 та чиқинди полигонини санитария-экология талабига мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Қурилиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига жорий йилда Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларида, кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам қурилиш чиқиндиси полигонлари ҳамда чиқиндини қайта ишлаш лойиҳаларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, "Қизил китоб"га киритилган ҳайвонларни овлаганлик учун жазони кучайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Маълумки, Президентимиз фармонига мувофиқ, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий жорий қилинган эди. Лекин жойлардаги раҳбарларнинг эътиборсизлиги оқибатида айрим ҳолларда ўсимлик дунёсига зарар етказилди. Бош прокуратурага ушбу масала бўйича ҳокимлар фаолиятини қатъий назоратга олиб, жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш топширилди.

Ишлаб чиқариш жараёнида экологик нормаларга риоя этиш масалалари ҳам таҳлил қилинди.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лабораторияларида жиҳозларнинг 65 фоизи эскиргани қайд этилди. Ҳавога ифлослантирувчи моддалар чиқариш ҳажмининг 60 фоизи ёқилғи-энергетика, 20 фоизи тоғ-кон ва металлургия соҳасига тўғри келмоқда. Шу боис, табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаган саноат корхоналарини рағбатлантириш, чанг-газ тозалаш ускуналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳада кадрлар сиёсати кескин танқид қилинди. Жумладан, малакали мутахассислар ва илмий-тадқиқот ишлари етишмаслиги, бирорта олий ўқув юртида экология бўйича махсус факультет йўқлиги кўрсатиб ўтилди. Тадқиқотларга грантлар ажратиш, хорижда илмий ходимлар малакасини ошириш, соҳага инновацион технология ва ғояларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН БИР ГУРУҲ МАҲКУМА АЁЛЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган айрим маҳкума аёлларни афв этиш юзасидан билдирилган ташаббуси доирасида Президент ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия, бошқа мутасадди идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, бевосита жойларга чиққан ҳолда маҳкума аёлларнинг шахсини ўрганиш ва улар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилиши таъминланди.

Ўтказилган тадбир якуни бўйича Комиссиянинг адашиб, билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ маҳкума аёлларни афв этиш ҳақидаги таклифи Давлатимиз раҳбари томонидан маъқулланиб, "Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бир гуруҳ маҳкума аёлларни афв этиш тўғрисида"ги Фармон имзоланди.

Фармонга мувофиқ жазо муддатини ўтаётган 83 нафар аёллар афв этилди.

Афв этилган аёлларнинг 12 нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, 29 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, 17 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, 58 нафар аёл жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда. Шунингдек, 25 нафар маҳкума аёлга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг 7 нафарини чет эл фуқаролари ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда халқимизга хос аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш, бағрикенглик, меҳр-шафқат, инсонпарварлик ва кечиримли бўлиш каби эзгу фазилатларнинг намоён бўлганлигининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган аёлларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотига муносиб эҳтиром кўрсатиш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, юртимизнинг иқтисодий қудрати ва жаҳон миқёсидаги мавқеини юксалтириш борасидаги улкан хизматларини муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, фарзандларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ишларига қўшган катта ҳиссаси, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги самарали меҳнати билан ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ хотин-қизлар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

"Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан

Чусовитина Оксана Александровна — Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони билан

Кузнецова Светлана Михайловна — Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг спорт гимнастикаси бўйича катта мураббийи

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Батирова Маргарита Азизовна — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг тиллар кафедраси профессори

Бойматова Сибинисо Мусурмонқуловна — Шароф Рашидов туманидаги "Мусурмон ота" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Джамилова Гулчехра Манноновна — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

Ибрагимова Рихсихон Исмаиловна — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

Кариева Бернара Рахимовна — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография кафедраси профессори

Махмудова Робахон Анваровна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси

Садуллаева Гулчехра — Ўзбекистон давлат сатира театри актрисаси

"Меҳнат шухрати" ордени билан

Адилова Фатима Туйчиевна — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти лаборатория мудири

Бабажанова Зулфия Реимбаевна — "Тахиатош иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятининг кимё цехи бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Ғаффорова Фотима — Меҳнат фахрийси, Самарқанд вилояти

Марипова Саодат Тораханова — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг "Минерал ресурслар институти" давлат корхонаси шўъба мудири

Мендиева Ранохон — Учқўприк туманидаги "Мендиева Ранохон" фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Парпибаева Озода Абдукадировна — Тошкент вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Сабирова Вазира Талиповна — Меҳнат фахрийси, Тошкент шаҳри

Тураева Гавхаржан Ибрагимовна — Гурлан туманидаги "Наврўз" фольклор- этнографик халқ жамоаси бадиий раҳбари, Хоразм вилояти

Шодмонова Мавлюдахон — Марҳамат туманидаги "Барҳаёт Нозимжон файзи" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

Юнусова Манзурахон Пазлиддиновна — Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари — маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи

Давоми 2-бетда

ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ

ҲАМИША ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДАСИЗ

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланаётгани ҳеч кимга сир эмас. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила НОРБОЕВА билан ушбу жараёндаги ютуқлар ва ечимини кутаётган муаммолар хусусида суҳбатлашдик.

— Танзила Камоловна, аввало сизни қутлуғ байрамимиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Қисқа фурсатларда Сенат Раиси сифатида сенатни уйғота олганингиз, ҳар бир масалага жиддий ёндашувингиз юртдошларимиз эътирофига сазовор бўлган.

— Раҳмат. Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча хотин-қизларни ушбу айём билан табриклайман. Аёл қачон байрам қилади? Оиласи тинч, фарзандлари соғлом бўлиб, ишхонасидаги ҳамкасблари уни тушунса... Ҳа, бугунги замонавий ўзбек аёлининг нафақат оиласи, балки иш жойи ҳам кўнгилдагидек бўлиши зарур. Ахир, ўтган йилнинг ўзида ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида катта ишлар амалга оширилди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотини улуғлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, турли соҳа ва тармоқларда қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқараётган, ижтимоий ҳаётда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатаётган қизларни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ш.Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 4 март

ИЛМ-ФАН

БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР – ЭКОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИДА ҲАР ЙИЛИ ФАННИНГ БИР НЕЧА УСТУВОР ТАРМОҚЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРЛИГИНИ ТАЪКИДЛАГАН ЭДИ. ШУНГА КЎРА, БУ ЙИЛ ГЕОЛОГИЯ, МАТЕМАТИКА, КИМЁ ВА БИОЛОГИЯ СОҲАЛАРИДАГИ ФУНДАМЕНТАЛ ВА АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИБ, ОЛИМЛАР УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ БЕЛГИЛАНГАН. БИОТЕХНОЛОГИЯ СОҲАСИНИ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ЭСА БУГУНГИ ДАВР ТАЛАБИГА АЙЛАНДИ.

Дунёнинг илғор давлатларидан бири ҳисобланган Туркия Республикаси билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилиши Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати тамойилларига тўла мос келади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 7 март, 31-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

8 МАРТ – ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Юсупова Тути — Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси

I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Жалолова Сабоҳат Ашуркуловна — Сариосиё туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Муминова Мадина Рашидовна — Наманган шаҳридаги "Baby plaza" хусусий мактаби директори, Наманган вилояти

II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Асланова Дилбар Хасановна — Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, Самарқанд вилояти

Ахмеджанова Покиза Шавкатовна — Гулистон шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси" директори, Сирдарё вилояти

Рахимова Мукаддас Араловна — Яккабоғ туманидаги "Маданият текстиль кўп тармоқли" масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Қашқадарё вилояти

Сабурова Инжигул Жумабаевна — Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмасининг "Мухаллес" дуторчилар ансамбли бахши-созандаси

Усманова Саодат Умаровна — Наманган давлат университетининг педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ҳаитова Роҳат Ахмаджоновна — Вобкент туманидаги "Баркамол авлод" болалар мактаби директори, Бухоро вилояти

"Дўстлик" ордени билан

Абдуллаева Максуда Султановна — Урганч туманидаги "Урганч парранда инвест" хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Акрамова Зулайхо Абдуразоқовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси

Ахмадалиева Нодира Кахрамоновна — Андижон туманидаги "Gold Andijan pharma" қўшма корхонаси директори, Андижон вилояти

Баходирова Валентина Григорьевна — Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг Қамаши тумани ташкилоти раиси, Қашқадарё вилояти

Джавланова Кимёхан Курбанбаевна — Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигининг хотин-қизлар кенгаши аъзоси, Тошкент вилояти

Жолимбетова Айтгул Аймбетовна — Мўйноқ туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Камбарова Насиба Ахмадалиевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг фахрий диктори

Мустафаева Замира Рустамовна — Ғаллаорол туманидаги "Сарбозор қурилиш транс" хусусий корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Облобердиева Зуҳро — "Ҳунарманд" уюшмасининг Бухоро вилояти бошқармаси аъзоси, каштачи-уста

Сабитова Мадия Иркиновна — Кармана туманидаги "Полипропилен қувурлар" масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Саидбекова Дахиятпочо Бабаевна — Сўх туманидаги "Сариканда" қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт шифокори, Фарғона вилояти

Сувонова Дилбар Набиевна — Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи директори, Сурхондарё вилояти

Суцепина Виктория Дмитриевна — "Тошкент қувур заводи" қўшма корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри

Умарова Нигора Телмановна — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг маънавият ва маърифат кафедраси мудири

Умарова Нодира Нигматуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошидаги "Ишга марҳамат" мономаркази директори

Усманова Израбу Ариповна — Риштон туманидаги "Израил Израбону" оилавий корхонаси раҳбари, Фарғона вилояти

Холбекова Бегойим Абдурахмоновна — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Шаназарова Азиза Абдумаликовна — Америка Қўшма Штатларининг Колумбия университети профессори

Ширинова Мавлюдахон Расуловна — "Сабр" Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази директори

Эрматова Назокат — Боёвут туманидаги "Зиёкор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Абдуллаева Умида Хазратовна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — хотин-қизлар масалалари бўйича бўлим бошлиғи

Бобоқулова Гули Ражабовна — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Бухоро вилояти божхона бошқармаси "Олот" чегара божхона пости катта инспектори

"Шуҳрат" медали билан

Бекназарова Саида Сафибуллаевна — Тошкент ахборот технологиялари университетининг аудиовизуал технологиялар кафедраси профессори

Бовақулова Мавжуда Рахимбердиевна — Янгийўл шаҳридаги "Baxor style" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Дададжанова Ирода Абдулазизовна — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг "Ёш куч" журнали бош муҳаррири

Игамбердиева Паризод Кадировна — Фарғона давлат университетининг кимё кафедраси катта ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Инакова Барнохон Баходировна — Андижон давлат тиббиёт институтининг педиатрия ва неонатология кафедраси мудири, Андижон вилояти

Исломова Гулмира Рахмоновна — "Ҳунарманд" уюшмасининг Нурота тумани бўлими аъзоси, каштачи-уста, Навоий вилояти

Каримова Навбахор Валижановна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "O'zbekiston 24" телеканали сиёсий шарҳловчиси

Мамадиёрова Юлдузой Каршиевна — Шаҳрисабз туманидаги "Shakhrisabz tour" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Мамарасулзода Зулхумор Абулкосим қизи — Жиззах вилояти маданият бошқармаси қошидаги "Мақом" ансамбли мақомчиси

Мансурова Муниса Анваровна — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси мудири

Рахматова Фароғат Шавкатовна — Денов туманидаги "Smart kids" нодавлат мактабгача таълим муассасаси мудири, Сурхондарё вилояти

Турдимуратова Айнур Бахтибаевна — Нукус шаҳридаги "Жайхун универсал қурилиш" масъулияти чекланган жамияти кран машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Халикова Хамида Азимжоновна — "Бекободцемент" акциядорлик жамиятининг цех тегирмон машинисти, Тошкент вилояти

Химматова Юлдузой Шахритдиновна — "Навоийазот" акциядорлик жамиятининг цех аппаратчиси, Навоий вилояти

Хусаинова Нафиса Рустамовна — Самарқанд шаҳридаги "Samarkand-England eco medical" қўшма корхонасининг сифат таъминоти бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

Хусанова Гавҳар Мамаражабовна — Сайхунобод туманидаги "Гулбаҳор зиё китоб савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Шукурова Гулчеҳра Шойиқуловна — Қоракўл туманидаги "Гуллар чеҳраси" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Эшчанова Жавҳар Атахановна — Янгибозор туманидаги "Ҳамид Олимжон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 6 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 мартдаги ПҚ-4626-сон қарорига илова

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

Ибрагимова Назокат Мухтаровна — Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич магистранти

Нуратдинова Динара Елубай қизи — Нукус давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси

Абдумўминова Нигора Ихтиёровна — Андижон машинасозлик институтининг 4-босқич талабаси

Нўъмонова Зулфира Иқболжон қизи — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 4-босқич талабаси (Андижон вилояти)

Ражабова Нилуфар Комилжоновна — Ўзбекистон Миллий университетининг 2-босқич талабаси (Бухоро вилояти)

Холикова Нозима Нематиллоевна — Бухоро давлат университетининг таянч докторанти

Ибрагимова Вазира Хусан қизи — Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг «Маърифат ва ҳикмат» масъулияти чекланган жамияти муҳаррири (Жиззах вилояти)

Илхомова Севара Даврон қизи — Жиззах политехника институтининг 3-босқич талабаси

Норчаева Мадина Норчаевна — Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 2-босқич талабаси (Қашқадарё вилояти)

Олимжонова Бегойим Мансур қизи — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Омонбоева Мерей Эрали қизи — Навоий давлат педагогика институтининг 4-босқич талабаси

Сапарова Ситора Шайдулло қизи — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

Азимова Дилафрўз Аламхон қизи — Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Тожибоева Олимахон Икромжон қизи — Наманган вилояти Косонсой туманидаги 9-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси

Мусулмонова Камола Хусниддин қизи — Самарқанд давлат университетининг 2-босқич магистранти

Усманова Нуриниссо Олимовна — Самарқанд давлат университетининг 1-босқич талабаси

Мухамадиева Ситора Шухратжон қизи — Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Саматова Шаҳноза Ортиқбой қизи — Тошкент давлат педагогика университетининг 2-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Абдуразақова Рухшона Илҳомжон қизи — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг 8-синф ўқувчиси

Қайимова Сабина Олимовна — Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказининг тўғарак раҳбари (Сурхондарё вилояти)

Болтаева Моҳира Матёқуб қизи — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 1-босқич талабаси (Тошкент вилояти)

Жалолова Моҳинур Зиёвуддин қизи — П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактабининг 11-синф ўқувчиси (Тошкент вилояти)

Хабибуллаева Нозима Хайрулло қизи — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 1-босқич магистранти (Фарғона вилояти)

Хомидова Насиба Юнусжон қизи — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали 1-босқич магистранти

Алимова Махлиё Махмуд қизи — Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг 6-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Шарипбаева Назокат Қуролтой қизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 3-босқич талабаси (Хоразм вилояти)

Дзивинская Юлия Станиславовна — 2-Республика тиббиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Тошкент шаҳри)

Тоғаймуродова Шахноза Шухрат қизи — Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида жорий йил 6 март куни мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлиги юзасидан олиб борилган таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишлари якуни бўйича тегишли хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига киритиш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Парламентга йўллаган Мурожаатномасида ушбу муҳим масала Ҳукумат томонидан Олий Мажлис палаталари муҳокамасига киритилиши ва халқ вакиллари билан батафсил кўриб чиқилишини маълум қилиб, бунда энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг хоҳиш-иродасига таянишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги босқичдаги ислоҳотлар самараси жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашиш, айниқса, ҳудудий жиҳатдан яқин мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга боғлиқ. Чунки, иқтисодий интеграция маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келиш, транзит савдони кенгайтириш, бозор ислоҳотларини жадал ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатимиз жаҳон ишлаб чиқариш тизими, халқаро бозор талаблари ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигини атрофлича ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси, тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан иқтисодий интеграция масаласида мамлакат иқтисодиётининг йирик 16 тармоғида ўрганиш ишлари олиб борилди.

Йиғилишда мазкур масала бўйича етакчи мустақил консалтинг компаниялари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг изланишлари, хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан билдирилган таклиф ва хулосалар кўриб чиқилди. Бунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги доирасидаги иқтисодиётнинг йирик тармоқлари, жумладан, саноат, ташқи савдо сиёсати, божхона-тарифларини тартибга солиш механизми, меҳнат миграцияси, стандартлаштириш ва ветеринария, санитария, фитосанитария назорати сингари кўплаб масалалар бўйича экспертларнинг хулосалари ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти ва ЕОИИга интеграция жараёнлари ўзаро боғлиқлиги қайд этилди.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорликнинг Ўзбекистон миллий иқтисодиётига таъсирини комплекс ўрганиш натижасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилиши зарур бўладиган чора-тадбирлар белгиланди ҳамда ЕОИИ билан кузатувчи-давлат мақомида ҳамкорлик қилиш таклифи маъқулланди.

Йиғилиш якуни бўйича таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишлари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига тақдим этиш юзасидан қарор қабул қилинди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: АЗАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Тошкентда 6 март куни Ўзбекистон – Туркия муносабатларининг устувор йўналишлари ва истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти томонидан Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази, "Тараққиёт стратегияси" маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Туркия элчихонаси ва Туркия халқаро ҳамкорлик агентлиги (TIKA) ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик муносабатлари истиқболлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил февраль ойида Туркия Республикасига амалга оширган ташрифи якунларидан келиб чиқиб муҳокама этилди.

Ташриф доирасида 19 февраль куни Анқара шаҳрида Олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилди. Ушбу кенгаш мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқотнинг янги шакли бўлиб, Президентлар ҳамраислигида фаолият олиб боради.

Дунёнинг илғор давлатларидан бири ҳисобланган Туркия Республикаси билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилиши Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати тамойилларига тўла мос келади. Икки томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш, мамлакатларимиз ўртасида транспорт-коммуникация тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон ва Туркия бизнес шерикликни ривожлантириш бўйича улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. Туркиянинг юқори инвестициявий салоҳияти ва Ўзбекистон бозоридаги иштирокини янада кенгайтиришга бўлган кучли қизиқиши инвестиция соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Туркиянинг чет элга йўналтирилган сармоялари ҳажми 2000–2017 йиллар даврида 20 баравар ўсиб, 40 миллиард долларга етган.

Мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий алоқалари мунтазам ўсиб бориш хусусиятига эга. 2016 йилда 1,2 миллиард долларни ташкил этган ўзаро савдо ҳажми 2019 йил якунига кўра 2,5 миллиард долларга етди. Фақат сўнгги бир йилда ушбу кўрсаткич 27 фоизга ошди. Яқин йилларда ўзаро савдо айланмасини 5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Ушбу вазифани бажариш учун тегишли механизм ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида преференциал савдо тўғрисидаги битимни имзолашга тайёрлаш, мазкур битимга киритиш таклиф этилаётган маҳсулот турлари рўйхатини кенгайтириш масалалари ҳал этилмоқда, ушбу ҳужжатнинг амалий ижроси тартиби келишиб олинди.

Бизнес доиралари фаолияти сезиларли кучайди. Сўнгги икки йилда Ўзбекистонда 750 дан зиёд турк корхонаси очилди, Туркия капитали иштирокидаги компаниялар сони 1 минг 306 тага етди.

Давра суҳбати иштирокчилари Туркиянинг туризмни ривожлантиришдаги улкан ижобий тажрибаси Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини юзага чиқаришда асқотишини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасида 2019–2025 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, ЯИМ ҳажмида туризм ҳиссасини 5 фоизгача етказиш (2017 йилда 2,8 фоизга тенг бўлган), мамлакатимизга сайёҳлар оқимини 9 миллион кишига чиқариш режалаштирилмоқда.

Маданий-гуманитар ҳамкорликнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий мактаблар, илмий-маърифий марказлар очилмоқда, ҳадис, калом, ақида, фиқҳ мактаблари, Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази қурилмоқда.

Ислом маърифатини илгари суриш, маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш мамлакатларимиз учун муҳим. Тўқимачилик, қурилиш соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш борасидаги мулоқотлар ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Томонлар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги анъанавий дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш, халқларимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ва истиқболли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун бор куч ва имкониятларни ишга солишга тайёрлигини билдирди.

ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ

ҲАМИША ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДАСИЗ

Бошланиши 1-бетда

— Дарҳақиқат, 2019 йилда "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши жуда муҳим воқеа бўлди. Энди бу қонунларнинг ижросини таъминлаш лозим. Шундай эмасми?

— Аввало, ушбу қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлаш жараёни қизғин тортишувлар ва муҳокамаларга бой бўлди. Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти қурилишида, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат сифатида шаклланишида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш энг муҳим омилдир. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айни пайтда давлат бошқарувида аёлларнинг салмоғи етарли эмас. Бу салоҳиятли аёллар сони камлигидан эмас, балки уларнинг кўпчилиги оиласидан ортиб ўзини кўрсата олмаётганидандир.

Яна бир муҳим масала, бу жамиятимизда, афсуски, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликлар учраб турибди. Бунинг асосий сабаби оилада тарбияга ва маънавиятга эътиборсизлик, ишсизлик. Шуни айтиб ўтишим лозимки, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган айнан шу икки қонуннинг ижро этилиши Сенатнинг доимий диққат марказида бўлади. Мазкур қонунларнинг ижросини таъминлашда парламент назоратини ўрнатиш жуда муҳим. Биз бу йўналишдаги ишларни янада кучайтиришга, мурожаатларни қабул қилишни осонлаштиришга катта эътибор қаратяпмиз.

Ўзбекистон 1995 йили Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга (CEDAW) қўшилди. Ушбу конвенциянинг бешинчи моддасида гендер стереотиплари, яъни жамиятда аёллар ва эркакларнинг ўрни тўғрисидаги қолип тушунчалар билан курашиш зарурати алоҳида қайд этилган. Бунинг учун эса аҳолининг турли қатламлари орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, қонунларнинг асл моҳиятини одамларга етказиш зарур.

Бу йўналишдаги кейинги қадамларимизга келсак, ҳозир Ўзбекистон Республикасида Гендер тенгликка эришиш 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси устида иш олиб бориляпти. Бу ҳужжат лойиҳаси жамоатчилик орасида ҳам кенг муҳокама этилмоқда. Унинг қабул қилиниши бу борада самарали натижаларга эришишга хизмат қилади.

Қонунларни қабул қилиш — бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала — қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир. Афсуски, мазкур йўналишдаги ишлар ҳануз талаб даражасида эмас. Энди ўйлаб кўрайлик, қонунчиликка киритилаётган янгиликлар ўз вақтида жойларга, айниқса, ижрочиларга етказилмайдиган бўлса, уларнинг бажарилиши ҳақида нима дейиш мумкин? Ҳар бир юртдошимиз, у ким бўлишидан қатъи назар, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросининг тўғри ташкил этилиши учун курашиши керак.

— Хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлардан кўнглингиз тўляптими?

— Чекка жойлардаги хотин-қизларимизнинг аксарияти бошига не-не машаққатлар тушган бўлса-да, мушкулини осон қилиш учун, биринчи ўринда, ўзида ҳуқуқий саводхонлик кучли бўлиши кераклигини ҳали тўлиқ англаб етганлари йўқ. Шу боис улар оддий муаммолар қаршисида эсанкираб қолишмоқда. Ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини билмайди. Ҳуқуқий саводхонлик ҳозирги кунда энг оғриқли мавзу бўлиб қолаётгани барчамизни ташвишлантириши зарур. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласида барча соҳаларнинг, айниқса янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак. Бундан ташқари, халқ қабулхоналарига мурожаат қилаётган хотин-қизлар билан ишлаш жараёнида уларнинг муаммоларини сансалорликка солмай, кўз олдимизга ўз онамиз, опа-сингилларимизни келтириб, юракдан, албатта, қонунлар доирасида кўриб чиқишимиз зарур.

— Сенат Раиси сифатида иш бошлаган илк кунларингизданоқ сизни журналист ва блогерлар муаммоларни дадил айта оладиган раҳбар сифатида тилга ола бошлашди. Муаммоли вазиятларда ҳар доим ҳам ўзимда жасорат топа олганман, дея оласизми?

— Бу жараёнда инсон жасоратли бўлиши учун ўша вазиятни чуқур ҳис қила олиши керак. Айнан раҳбарлик фаолиятим давомида ўзим англаб етган масаланинг ечимини топишда ҳеч қандай тўсиқ ва қаршиликлардан ҳайиқмай қадам ташлаганман. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб юрган пайтларим эди. Бир куни ижтимоий тармоқдан бир журналист менга шундай муносабат билдирибди: "Танзила опа, сиз ўзингиз муҳим деб билган қадамни ташлашда тепадаги раҳбарлар фикрини эмас, ҳаёт чиғириқларида адашган шу оддийгина ва айни пайтда ҳимоясиз қолган аёлни қўллаб-қувватлашни муҳим деб билдингиз". Биласизми, шу биргина эътироф бутун фаолиятимдаги ютуқларимдан қадрли десам, адашмаган бўламан. Тўғри таъкидладингиз, мен доим ижтимоий тармоқлардан бохабар бўлишга ҳаракат қиламан. Блогерларнинг фикрларини ҳам ҳурмат қиламан. Ҳатто уларнинг танқидларидан куч оламан. Чунки бу эътирозлар, шикоятлар юртимизда яшайдиган фуқаронинг фикри эканлиги билан мен учун эътиборга молик ҳисобланади.

Сенат Раиси сифатида гоҳида бир нарса мени қийнайди. У ҳам бўлса, айрим инсонлардаги эскича фикрлаш тарзи ва ишга бўлган муносабат. Ҳозир бизда аввалгилар билан солиштириб бўлмайдиган даражада имкониятлар кўп. Бу нафақат раҳбарлар, балки ҳар бир юртдошимизга тегишли. Барчамиз яхши англашимиз керакки, ҳеч кимнинг меҳнати сояда қолиб кетмайди. Мен касбий маҳоратга эга ва виждонли инсонларни қадрлайман. Ҳар қандай йўналишдаги муваффақият ходимларнинг интилиши ва жамоадаги муҳитга боғлиқ. Жамоа бўлиб фаолият кўрсатиш жараёнида мустақил фикрини билдириб, ўз позицияси учун астойдил курашадиган ходимларни рағбатлантиришга ҳаракат қиламан.

Тан олишимиз керак, Ўзбекистонда сиёсий йўналишда ишлашга қарор қилган аёл кишининг йўли осон эмас. Жамиятимизда ҳокимият идораларида раҳбарлик қилиш фақат эркакларнинг иши деган эскича фикр илдиз отган. Қандай лавозимни эгалламай, мени ҳеч қачон "аёл киши" деб сийлаб ўтиришмаган. Аксинча, аёл киши бу лавозимга муносиб эканлигини исботлаш учун икки ҳисса кўпроқ ишлашимга тўғри келган. Сиёсат майдонида бу яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташланади. Сиёсатчи бўлиш масъулиятни чуқур англаб етган ҳолда доим мукамалликка интилишни, мулоқотда муросали бўлишни, бажараётган ишингизда сифат ва натижадорликни таъминлашни талаб қилади.

— Қўйлиқ бозоридаги мардикор аёллар бўйича Сиз бошчилигингизда ўтказилган тадбирда мен ҳам қатнашган эдим. У пайтда Сиз Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлар эдингиз. Тўғрисини айтсам, тадбир бошидаёқ муҳим йиғилиш борлигини баҳона қилиб кетиб қолсангиз керак, деб ўйлагандим. Бироқ сиз минбарга ҳам чиқмай, улар билан яқиндан суҳбатлашиб, охирги мардикор аёлнинг муаммоси ҳал бўлгунича ўша ерда бўлдингиз. Уйсиз, ишсиз ва эътиборсиз қолган хотин-қизлар билан суҳбатлашганингизда нималарни ҳис қилдингиз? Бундай аёлларнинг муаммолари тўлалигича барҳам топиши учун яна нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Аёл билимли, заковатли ва тадбирли бўлса, ўша жойда муҳит ўз-ўзидан изга тушиб кетаверади. Бундай аёлларимизни қийнаган барча муаммоларнинг илдизи, биринчидан, уларнинг ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишлари учун журъати етарли эмаслиги, иккинчидан, жойларда уларга етарли имкониятлар, шароитлар яратиб берилмаётганлигидандир. Бирор ҳунар ёки касбни ўрганиш учун ҳам уқув, кимнингдир далдаси керак. Майли, тақдир туфайли улар қийинчиликка учради, дейлик, лекин ўша аёлларнинг атрофида биз бормиз-ку! Нега бунчалар бепарво бўлиб кетганмиз. Куни кеча телеканалларимиздан бирида эри урриб ўлдирган аёлнинг отаси, қизимнинг оиласи бузилмасин деб урса ҳам эрининг уйига ташлаб келган эдим, деб интервью беряпти. Агар ўша аёл билимли, касб-корли, ишлаб рўзғорни тебратишда фаол бўлиб, керак бўлганда, ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олганида бундай фожиали воқеа бўлмасмиди. Шунинг учун ҳам биз қизларимизни болалигидан бошлаб ҳуқуқий ва иқтисодий мустақил бўлишга ўргатиб боришимиз керак.

Мардикор аёллар мени ҳамиша безовта қилиб келган. "Аёл йиғлаган юртда ор йиғлайди ҳамиша", дея бежиз айтилмаган. Хотин-қизлар жамиятда ўз ўрнини топиши, қадрли ва азиз бўлиши учун уларни ор-номусли, ғурурли эркаклар ва маҳалла-қўй қўллаб-қувватлаши керак. Бу ҳақда Президентимиз ҳам ўз нутқларида кўп бора таъкидлаб ўтганлар. Биз жойлардаги муаммоларни ўрганишда шуни аниқладикки, ҳозирда ишсиз аёллар бандлик хизматлари келтирган рақамлардан уч баробар кўп. Шу сабаб муаммоларни ҳал қилишда, асосан, аёлларни иш билан таъминлашга кўпроқ аҳамият беряпмиз. Уларни иш билан таъминлаш жараёни тўрт йўналишда амалга оширилмоқда. Биринчи йўналишга кўра, давлатимиз томонидан ажратилган бандлик бўйича алоҳида дастурлар бор. Ушбу дастурларда аёллар учун махсус ажратилган иш ўринлари мавжуд. Иккинчидан, ҳар бир корхона ва ташкилотларда бўш ўринлар бўлади. Мана шу иш ўринлари ишсиз аёлларга тавсия қилинмоқда.

СИЁСАТЧИ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТНИ ЧУҚУР АНГЛАБ ЕТГАН ҲОЛДА ДОИМ МУКАММАЛЛИККА ИНТИЛИШНИ, МУЛОҚОТДА МУРОСАЛИ БЎЛИШНИ, БАЖАРАЁТГАН ИШИНГИЗДА СИФАТ ВА НАТИЖАДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.

Учинчидан, корхона ва ташкилотларда давлатимиз томонидан квоталанган иш ўринлари бор. Бу квоталанган иш ўринлари одатда кўп болали аёллар, ногиронлиги бор фуқаролар, жазони ўташ жойларидан қайтганлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун ажратилган бўлади. Ушбу иш ўринларига ҳам аёлларимиз ишга жойлаштирилмоқда.

— Президентимиз шу йилнинг 2 март куни "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги фармонни имзолади. Унда 2020 йилда Қонунчилик палатаси ва Сенат фаолиятига фуқаролар мурожаатлари асосида Интернет тармоғида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш амалиёти ҳамда сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи "Электрон парламент" тизимини жорий этиш белгиланган. Бу каби имкониятлар замирида халқимиз учун қанчалар енгиллик ва имкониятлар борлиги ҳозирданоқ бизни қувонтирмоқда...

— Албатта, бу янгиликлар барчамиз учун қувонарлидир. Бу дегани, оддий қилиб айтганимизда, мурожаатлар ва муаммолар сониялар ичида мутасадди ходимлар эътиборида бўлади.

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида фуқароларнинг Интернет тармоғидаги мурожаатлари асосида парламент ва депутат сўровларини шакллантириш, сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш мақсадида электрон портал ва мобиль иловадан фойдаланиш имконини берувчи **"Электрон парламент" тизими** жорий этилади. Ушбу тизим орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида йил якунига кўра қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳоланганини ва унинг самарадорлик даражасини мониторинг қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўриш амалиёти йўлга қўйилади.

Давлат дастурида Самарқанд вилояти халқ депутатлари Кенгашининг фаолиятини **"намунали Кенгаш"** сифатида йўлга қўйиш бўйича амалий ташкилий чора-тадбирлар кўрилиши ҳамда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институти жорий қилиниши ҳам белгиланган. Хўш, бу нима беради? Бу, аввало, маҳаллий Кенгашнинг ижро ҳокимиятидан айро ишлашига замин яратади. Маҳаллий кенгаш ижро ҳокимиятидан холи ишлаганда ҳар бир депутат мавқеи, вазифалари, масъулияти нимадан иборат эканлиги бўйича қўшимча билим ва тажриба талаб этилади. Бу жараёнларга тайёргарлик ишлари Мурожаатнома эълон қилинганидан сўнг сенаторлар томонидан бошлаб юборилган.

Шунингдек, Бухоро вилоятида ҳам Олий Мажлис Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлиги тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан сенаторлар шаҳар ва туманларда бўлиб, маҳаллий Кенгашлар комиссиялари раислари билан ўқув-семинарлар ўтказиши йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этишда қўл келмоқда.

Жорий йилнинг август ойидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида **Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш** тизими ҳам белгиланган.

2020 йил 1 июлга қадар ишга туширилади ган **"Mening fikrim" веб-порталининг** мобиль иловаси келиб тушаётган мурожаатларни депутатлар, мутахассислар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида "Жамият — ислоҳотлар ташаббускори" деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бораётгани ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолининг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришиш муҳим эканлигини бежиз таъкидламади. Зеро, "Электрон парламент" мамлакатни модернизация қилиш ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга хизмат қилади. Ушбу тизим парламент ва сайловчилар ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйишга, жойларда вакиллик органлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, ижро ҳокимияти органлари устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатишга имкон яратади. Шу билан бирга, у парламент фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, унинг шаффофлигини таъминлаш ҳамда самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Хотин-қизлар жамиятда ўз ўрнини топиши, қадрли ва азиз бўлиши учун уларни ор-номусли, ғурурли эркаклар ва маҳалла-қўй қўллаб-қувватлаши керак. Бу ҳақда Президентимиз ҳам ўз нутқларида кўп бора таъкидлаб ўтганлар.

— Тарихимизда кўплаб жасоратли, матонатли ва билимли ўзбек аёллари ном қолдирган. Уларнинг қайси бирига ҳавас қиласиз?

— Шу ўринда Нодирабегимнинг мана бу мисраларига эътиборингизни қаратмоқчиман:

Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятингни баён этиб кет!

Бизнинг момоларимиз ана шундай юксак мақсадли, баланд шаҳдли ва билимли аёллар бўлишган. Айниқса, Нодирабегим нафақат ўзбек мумтоз адабиётида ўчмас из қолдирган шоира, балки доно сиёсат арбоби сифатида ҳам ном қозонган. Ўттиз ёшида бева қолиб, тахтга ўтирган 12 ёшли ўғлининг асосий маслаҳатчиси бўлган бу иродали ва қатъиятли аёл сиёсат майдонидаги йигирма йиллик фаолияти мобайнида Қўқон хонлигининг гуллаб-яшнашига сабабчи бўлган.

Ўзбек аёлига тимсол бўла оладиган аёлларимизнинг ҳар бирига ҳавас қиламан. Тарих саҳифаларини варақлаганимда Тўмариснинг жасорати, Бибихонимнинг заковати, Увайсийнинг халқпарварлиги, Анбар отиннинг маърифатпарварлиги, Гулбаданбегимнинг нафосати мени ҳамиша лол қолдиради. Олима аёлларимиздан Музайяна Алавия, Суюма Ғаниевалар олиб борган илмий тадқиқотларни жуда юксак баҳолайман. Айни пайтда ўзбек қизларининг ичидан дунё ҳамжамияти эътирофидаги билимли вакилалар етишиб чиқа бошлаганидан ниҳоятда хурсандман. Ўзбеклар орасида биринчи бор Колумбия университетининг tenure track позицияси, яъни умрбод профессорлик лавозимига Азиза Шоназарованинг қабул қилинганлиги барчамизнинг қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди. У "Ўрта асрлардаги Марказий Осиёда гендерлик тарихи ва аёллар диндорлиги" мавзусида АҚШнинг Индиана – Блумингтон университетида докторлик диссертациясини ёқлаган. Иккита йўналишда (диншунослик ва Марказий Осиё тарихи) PhD — фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олган.

Ёки бошқа мисол. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 2-босқич докторанти саналувчи Нигора Ҳакимова 2019 йил сентябрь ойидан буён Буюк Британиянинг Chevening дастури асосида Оксфорд исломшунослик марказида илмий изланиш олиб боряпти. У Тошкент ислом университетида ислом ҳуқуқи йўналишида бакалавриат ва магистратурада таҳсил олиб, сўнг университетнинг Ислом ҳуқуқи кафедрасида ўқитувчи, Исломшунослик илмий-тадқиқот марказида илмий ходим, Хадичаи Кубро аёл-қизлар ўрта махсус билим юртида ўқитувчи сифатида фаолият олиб борган.

Аслида ўзбек оиласида камол топаётган ҳар бир қизимиз ана шундай юксак марраларни забт этиш салоҳиятига эга. Фақатгина уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш учун, аввало, ота-оналар, қолаверса, бутун жамиятимиз қўллаб-қувватлаши керак. Давлатимиз гендер сиёстининг асосий мақсади ҳам айни шу эзгу мақсадга қаратилган.

Суҳбатимиз сўнгида яна бир бора баҳор айёми, гўзаллик тантанаси бўлмиш 8 март халқаро хотин-қизлар куни билан юртимизга тинчлик-омонлик сўраб дуога қўл очган момоларимизни, фарзандлари камолини кўриш орзусида сидқидилдан меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз, илм-маърифат йўлида изланаётган оқила, ташаббускор ва меҳнатсевар қизларимизни самимий муборакбод этаман.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.

Кластерлар, шунингдек, 2 минг 300 гектар майдонда деҳқончилик қилиб келаётган 100 га яқин фермер хўжаликларини уруғ, ўғит, ёқилғи ва иш ҳақи учун маблағ билан таъминлаш, улар етиштирган ҳосилга харидор топиш юмушларини ҳам гарданига олади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 7 март, 31-сон

ИЛМ-ФАН

БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР

– ЭКОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
инновацион ривожланиш вазири

Ўзбекистон Президентининг "Биотехнологияларни ривожлантириш ва биохавфсизликнинг яхлит тизимини шакллантиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қарор асосида биотехнологияларни ривожлантириш бўйича 2020–2030 йилларга мўлжалланган давлат дастури яратилиши, унда биотиббиёт, агробиотехнологиялар ва саноат биотехнологиялари йўналишлари бўйича қилинадиган ишлар ўз аксини топиши назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳар йили фаннинг бир неча устувор тармоқларини аниқлаш ва ривожлантириш зарурлигини таъкидлаган эди. Шунга кўра, бу йил геология, математика, кимё ва биология соҳаларидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни фаоллаштириб, олимлар учун барча шароитлар яратиш белгиланган. Биотехнология соҳасини жадал тараққий эттириш эса бугунги давр талабига айланди.

БИОТЕХНОЛОГИЯ ВА УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Биотехнология фан ютуқлари ва ишлаб чиқариш жараёнини бир-бирига боғлайди. У микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвон тўқималари, органеллалар, рекомбинат ДНК ҳамда тўлиқ генетик модификацияланган организмлар каби турли биологик тизимлардан амалда фойдаланишга замин яратади. Айнан биотехнология туфайли экинларни ҳимоя қилишнинг замонавий биологик усуллари, биодеградацион полимерлар ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари ишлаб чиқилган. Масалан, биополимерлар ҳозирда кенг қўлланилаётган пластмассаларга нисбатан катта афзалликларга эга, негаки улар ўзидан заҳарли моддалар чиқармайди, атроф-муҳитни ифлослантирмайди, фойдаланилгандан кейин парчаланиш хусусиятига эга. Генларни конструкциялаш нафақат ўсимликларни, балки ҳайвонот дунёсини ҳам назорат қилиш ва турли хусусиятларга эга янги организмларни яратиш имконини беради.

Бундан ташқари, замонавий биотехнологиялар инсон ҳаёти сифатини сезиларли даражада яхшилаши ва мамлакат иқтисодиёти ўсишига ёрдам бериши мумкин. Биотехнология туфайли янги самарали диагностика воситалари, вакциналар, дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари яратилмоқда, қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, дон маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ошмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли сони кун сайин ўсиб бораётган қуррои заминимиз учун ўта долзарбдир. Биотехнология орқали биомассаларни қимматбаҳо маҳсулотга — ёқилғига айлантириш имкони ҳам бор. Замонавий биотехнологиялар анчайин ранг-баранг, шу боис асримизни биотехнологиялар асри деб аташмоқда.

ИСТИҚБОЛЛИ СОҲА

Биотехнология амалий фан саналса-да, фундаментал илмий тадқиқотлар билан узвий боғлиқ. Белгиланган хусусиятларга эга организмларни яратиш, генетик касалликларни даволаш, танадан ташқарида оқсил массасини ишлаб чиқариш, организмга "биологик чипларни" жойлаш — мана шу йўналишларнинг барчаси мураккаб тадқиқотлар, замонавий ускуналар ва юқори малакали мутахассисларни талаб қилади.

Бутун дунёда бу соҳага киритилаётган инвестицияларнинг жадал ўсиши кузатилмоқда. Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, биотехнологияларнинг жаҳон бозоридаги улуши 2025 йилда 2 триллион АҚШ долларига етади. АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва Европанинг Genentech, Novartis, Merck&Co, Pfizer, Johnson&Johnson, Sanofi каби компаниялари фармацевтика биотехнологиялари соҳасида тан олинган етакчилардан саналса, трансмиллий Monsanto компанияси генетик модификацияланган организм (ГМО)ларни яратиш ва ишлаб чиқаришда илғордир.

ҚАРОР ЛОЙИҲАСИДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БОР?

Истиқболли ва янги бозорларни забт этишда улкан салоҳиятга эга биотехнология соҳаси Ўзбекистонда ва, умуман, Марказий Осиё давлатларида ҳали етарлича тараққий этмаган. Юртимизда ишлатиладиган биотехнологик маҳсулотларнинг 90 фоизидан ортиғи импорт қилинади. Шу билан бирга, ривожланган ва ҳатто ривожланаётган мамлакатлар билан солиштирганда ҳам бизда биотехнология маҳсулотларидан фойдаланиш кўрсаткичи ўта паст.

Ўзбекистонда биотехнологик маҳсулотларни тадқиқ қилиш ва соҳани ривожлантириш учун катта илмий салоҳият бор. Бироқ биотехнология саноати йўқлиги боис, аксарият ишланмалар ишлаб чиқаришга жорий этилмай қолиб кетяпти, биотехнология маҳсулотларининг ўзи эса кичик ҳажмларда лаборатория шароитида тайёрланяпти.

ЮРТИМИЗДА ИШЛАТИЛАДИГАН БИОТЕХНОЛОГИК МАҲСУЛОТЛАРНИНГ 90 ФОИЗИДАН ОРТИҒИ ИМПОРТ ҚИЛИНАДИ. ШУ БИЛАН БИРГА, РИВОЖЛАНГАН ВА ҲАТТО РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР БИЛАН СОЛИШТИРГАНДА ҲАМ БИЗДА БИОТЕХНОЛОГИЯ МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧИ ЎТА ПАСТ.

Қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғитлар ва пестицидлардан фойдаланиш тупроқ деградацияси, сув ва ҳавонинг ифлосланишига олиб келади, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларининг катта қисми пестицидлар билан ифлосланган бўлиб, 80 фоиз майдондаги тупроқ таркибида кўп миқдорда зарарли ва хавфли моддалар мавжуд. Ўтган ўн йил давомида ерларнинг ўртача балл бонитети 58 дан 55 га тушиб кетди.

Мақсадли қўллаб-қувватланилмагани, зарур иқтисодий шароитлар бўлмагани, мазкур йўналишдаги стартапларнинг ривожланмагани, биохавфсизлик масалалари қонунчилик даражасида тартибга солинмагани соҳада яхлит тизимнинг шаклланишига тўсқинлик қилиб келди. Ҳозир мавжуд биохавфсизлик талаблари фақатгина турли санитар меъёрлардагина акс этган бўлиб, таркибида ГМО бор бўлган озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан қўлланилади. Бундан ташқари, эскирган таълим стандартлари, замонавий ўқув лабораторияларининг йўқлиги соҳада тайёрланаётган кадрлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, биотехнологик маҳсулотларни рўйхатдан ўтказиш ва сертификатлаш механизмларига эга бўлмаган меъёрий-ҳуқуқий база ҳам такомиллаштирилиши зарур.

Муаммога ечим топиш учун биотехнологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, ягона биохавфсизлик тизимини шакллантириш, мамлакат илмий салоҳиятини ошириш, замонавий билимларга эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор биотехнологиялар асосида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни юксалтириш лозим.

Қарор асосида биохавфсизлик ва ГМОдан фойдаланиш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар қабул қилинади. Биотехнология соҳасида кадрлар салоҳиятини кучайтириш мақсадида, жумладан, ёш тадқиқотчиларнинг етакчи хорижий университет ва илмий ташкилотларда малака ошириши ташкил этилади. Биохилмахилликка асосланган янги биотехнологияларни ривожлантириш учун миллий биологик коллекциялар тармоғи яратилади. Бир қатор илмий муассасаларда янги йўналишлар бўйича лабораториялар ташкил этилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланади. Биотехнологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни (дори воситаларидан ташқари) лицензиялаш бекор қилинади, аммо, ўз навбатида, ишлаб чиқарилган бундай маҳсулот сертификатланади. Биотехнологик маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш улушини рағбатлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилади. Қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғитлар ва пестицидлардан воз кечилиб, биологик маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш чора-тадбирлари кўрилади.

Ҳозир қарор лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига (regulation.uz) жойлаштирилди. Муҳокамадан ўтказилгандан сўнг ҳужжат янада мукаммал кўринишда қабул қилиниши кўзда тутилмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

141 МЛН. $ ГА ТЕНГ ШАРТНОМА

НОВОСИБИРСК ВИЛОЯТИ ВА МОСКВА ШАҲРИГА ТАШРИФ НАТИЖАСИ

Заҳириддин ТЎРАЕВ,
Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари

Термиз — Новосибирск — Москва — Термиз

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик муносабатлари, иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўлами тобора кенгаймоқда.

Сурхондарё вилояти ҳам Россиянинг турли ҳудудлари билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни жадаллаштириб, инвестиция ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ўтган йили сурхондарёлик тадбиркорларнинг Россия Федерацияси ҳудудлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажми 57,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Россиянинг минтақавий корхоналарига 11,8 миллион долларлик 22,2 минг тонна мева-сабзавот, 6 миллион долларлик калава ип ва матолардан иборат тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берилди. Шунингдек, улар юртимизга 13 миллион долларлик қурилиш материаллари ва уй-рўзғор буюмлари, 12,7 миллион долларлик кимё ва фармацевтика маҳсулотлари, 6 миллион долларлик машина ва ускуналар ҳамда 2,5 миллион доллар миқдоридаги озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилди.

Учрашувда божхона соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ва уларни амалга оширишни тизимли ташкил қилиш масалалари муҳокама этилди.

— Ташриф давомида "Фудсиб", "РосАгроМаркет" федерал тармоғининг "Мандарин" улгуржи-етказиб бериш марказлари, "Легион Сибирь Плюс" МЧЖнинг мева-сабзавотларни вақтинча сақлаш омборлари фаолияти билан яқиндан танишиб, келишувларга эришдик, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий зоналар ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Анвар Орипов. — Новосибирск вилояти Савдо-саноат палатасида маҳаллий ишбилармонлар билан ўтказилган давра суҳбати, Новосибирск ва Москва шаҳарларида B2B форматида ташкил этилган қатор учрашувларда икки

Сурхондарёлик тадбиркорларнинг Россия Федерацияси ҳудудлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажми 57,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Россиянинг минтақавий корхоналарига 11,8 миллион долларлик 22,2 минг тонна мева-сабзавот, 6 миллион долларлик калава ип ва матолардан иборат тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берилди.

Сурхондарё вилояти делегациясининг Новосибирск вилояти ҳамда Москва шаҳрига сафари ҳам самарали учрашувларга бой бўлди. Делегация аъзолари дастлаб Новосибирск вилояти губернатори Андрей Травников бошчилигидаги расмий доира вакиллари ва ишбилармонлар билан учрашди. Унда ўзаро иқтисодий муносабатлар истиқболлари муҳокама қилинди. 2018 йилдан буён Сурхондарё — Новосибирск вилоятлари ўртасидаги ҳамкорлик шартномаси доирасида муайян натижалар қўлга киритилган. Жумладан, биргина ўтган йили Новосибирск вилоятининг мамлакатимиз билан товар айирбошлаш ҳажми 88,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Бунда Сурхондарёнинг ҳам ҳиссаси бор.

Сурхондарё делегацияси Новосибирск вилоятидаги "Вектор-БиАльгам" акциядорлик жамиятида бўлиб, корхона фаолияти билан яқиндан танишди. Компания вакциналар, иммунобиологик пробиотиклар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга ихтисослашган.

Компания вакиллари билан учрашувда фармацевтика соҳасида яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Новосибирск вилояти божхона бошқармаси раҳбарияти билан мулоқот чоғида тадбиркорларга яратилган қулайлик ва енгилликлар ҳақида маълумотлар берилди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича "яшил йўлак" тизими йўлга қўйилган. Бу Сурхондарёда етиштирилаётган хўл ва қуритилган мева-сабзавот ҳамда бошқа маҳсулотларни Новосибирскдаги харидорларга тезкор етказиб бериш ва экспорт ҳажмини ошириш имконини бераётир. Айниқса, мева-сабзавот маҳсулотларини божхона ва фитосанитар назоратидан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиби тадбиркорлик субъектларига катта қулайлик яратмоқда.

томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган аниқ ва амалий лойиҳалар бўйича муҳокамалар ўтказилди.

Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов Новосибирскдаги қурилиш соҳаси ва йирик чорвачилик комплексида вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бораётган сурхондарёликлар билан учрашиб, уларнинг соғлиғи, яшаш ва ишлаш шароити, ижтимоий-иқтисодий муаммолари билан ҳам қизиқди.

Очиқ мулоқот чоғида фуқаролар айрим ижтимоий масалаларини ҳал этишда вилоят ҳокимидан амалий ёрдам сўради. Мутасаддиларга юртдошларимизнинг ҳар бир мурожаатини алоҳида эътиборга олиб, қисқа муддатда ҳал қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ватандошларимизга вилоятдаги бўш иш ўринлари таклиф этилиб, касб-кори, лаёқатига мос иш билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилиши таъкидланди.

Умуман олганда, Сурхондарё делегациясининг Новосибирск вилояти ва Москва шаҳрига амалий ташрифи ҳудудлараро ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр ва тажриба алмашиш учун қулай имконият бўлди. Икки томон учун ҳам манфаатли кечган музокаралар якунларига кўра умумий қиймати 141 миллион АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланди. Жумладан, 61 миллион долларлик мева-сабзавот етказиб бериш, 80 миллион долларлик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича истиқболли келишувларга эришилди.

КЎРГАЗМА

РАНГТАСВИРГА КЎЧГАН ҲАЁТ

Гулсум ШОДИЕВА

Мусаввир аҳли ўзига хос табиатга эга. Кимдир тонгда ижод қилса, яна кимдир сокин тун қўйнида қалам тебратади. Мақсад эса битта – кўнгил кечинмалари ифодалаш, тамошабинга етказиш ва ҳузурланиш...

Ўзбекистон Бадиий Академиси Икуо Хиаяма Халқаро маданият карвон саройида Халқаро – хотин-қизлар кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. У "Дўстлик" ордени соҳибаси, таниқли рассом Нодира Орипованинг "Афросиёб маликалари" номли шахсий кўргазмасининг очилиш маросими муносабати билан ташкил этилди. Кўргазмада рассомнинг 50 та рангтасвир ишлари намойиш қилинмоқда.

Нодира Орипова ижодининг асосий қисмини аёллар образи ташкил этади. Ўзи аёл бўлгани учун ҳам аёллар қалбини яхшироқ сезади ва ҳис этади. Мусаввирнинг мақсади – фақат аёлардаги гўзалликни яратиш эмас, балки уларнинг ички изтироблари, юрак туғёнларини ҳам эшитиш ва буни турли хил ёркин ранглар орқали ифодалашдир.

Бетакрор мусаввир Нодира Орипова Ўзбекистон тасвирий санъатига қўшган ҳиссаси учун "Дўстлик" ордени билан мукофотлаган. Ҳозирда унинг асарлари нафақат республикамизда, балки Франция, Туркия, Россия, Германия, Бельгия каби мамлакатлар шахсий коллекцияларида ҳам сақланмоқда.

Нодира Орипованинг Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ташкил этилган кўргазмасида мусаввирнинг бутун ҳаёти бўёқларга кўчганлигига амин бўлдик. Рассом ўзи ҳис этган барча қувончу оғриқларни тасвирга кўчирган ва тамошабинга ҳавола этган. Ўйлаймизки, ушбу кўргазмани кўрган ҳар бир санъат шайдоси аёл қалбини яна бир бор кашф этади.

Кластерлар, шунингдек, 2 минг 300 гектар майдонда деҳқончилик қилиб келаётган 100 га яқин фермер хўжаликларини уруғ, ўғит, ёқилғи ва иш ҳақи учун маблағ билан таъминлаш, улар етиштирган ҳосилга харидор топиш юмушларини ҳам гарданига олади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг шу йил 19 февралда қабул қилинган "Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

ЛИМОНЧИЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИСТИҚБОЛИ

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Охирги йилларда лимон етиштириш бўйича республикамизда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бир вақтлар хориждан келтирилган мазкур цитрус мева маҳаллийлаштирилиши ҳисобига асосий истеъмол маҳсулотлардан бирига айланди. Аммо қарорда таъкидланганидек, соҳада ҳали етарли кўрсаткичга эришилмади. Хусусан, янги, серҳосил ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган лимон навларини яратишга етарли эътибор берилмади, сифатли ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш талаб даражасида йўлга қўйилмаганди, кооперация муносабатлари тўлиқ шаклланмади. Қарорда тажриба тариқасида академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида "Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар" уюшмаси иштирокида давлат хусусий-шерикчилик асосида масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий марказини ташкил этиш белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги "Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан институтнинг янги тузилмаси тасдиқланиб, унинг таркибида янги — цитрусчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бўлими ташкил этилди.

— Қабул қилинган янги қарор бу соҳада бошланган ишларни янада ривожлантиришга кенг йўл очиб беради, — дейди институт директори, биология фанлари доктори, профессор Йўлдош Саимназаров. — Айни пайтда қарор асосида Марказ учун институт ҳудудидан 12 гектар ер ва зарур биноларни ажратиш бўйича ишлар амалга оширилябти. Билдирилган ишонч зиммамизга катта масъулиятни юклайди. Аввало, замонавий технологиялар ёрдамида цитрус ўсимликларнинг янги, экспортбоп, тупроқ ва иқлимга мос навларини яратиб, уларнинг агротехникасини ишлаб чиқишимиз зарур.

БОҒДОРЧИЛИК МАКТАБИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

1898 йили Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси номи билан ташкил топган академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, хусусан, боғдорчилик-узумчилик тармоғини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

Институтда бугунги кунда 50 га яқин илмий ходим — 1 нафар академик, 3 нафар фан доктори, 25 нафар фан номзоди фаолият олиб бормоқда. Институт таркибида 15 та илмий тажриба станцияси, 2 та виночилик унитар корхонаси, 1 та Республика боғбонлар мактаби мавжуд. Илмий тажриба станцияларида ҳудудларнинг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб илмий тадқиқотлар олиб борилади. Масалан, Сурхондарё илмий тажриба станцияси энг жанубий ҳудудда жойлашгани боис, асосан субтропик, тропик ва цитрус ўсимликлар билан шуғулланишга ихтисослашган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги "Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан институтнинг янги тузилмаси тасдиқланиб, унинг таркибида янги — цитрусчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш бўлими ташкил этилди.

ЦИТРУС ЎСИМЛИКЛАР ЕТИШТИРИШДАГИ ТАЖРИБАЛАР

Институтда цитрус ўсимликларини ўстириш ва синов ишлари 1949 йилдан бошланди. 1966 йили 30 сотих майдонда иссиқхона қурилиб, цитрус ўсимликлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари ўтказиш йўлга қўйилди, уларнинг коллекцияси яратилди. Бир вақтнинг ўзида иссиқхона ёнидан хандақлар қазилиб, лимон кўчатлари экилди. Лимон, апельсин, мандарин, грейпфрут ва пампельмус турларининг навлари интродукция қилиниб, селекция бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

2015 йилдан лимоннинг "Мейер", апельсиннинг "Гамлин" ва мандаринниг "Климентин" навлари синовдан муваффақиятли ўтиб, Давлат Реестрига киритилди. Парваришлаш технологиялари ишлаб чиқилиб, вилоятлардаги иссиқхоналарда ўстириш учун тавсия қилинди.

Кўп йиллик синов ва тажрибалар лимоннинг "Мейер" нави энг мақбул нав эканини кўрсатди. "Ўзбекистон ҳосилдори", "Ўзбекистон тўнғичи" навлари ўртача ўсиш суръати ва ҳосилдорлигига кўра, унга яқин бўлиб, ҳатто меваларининг сифати бўйича устун туради. Шунингдек, институтда яратилган "Академик М.Мирзаев" номли лимон нави селекция йўли билан чатиштиришдан олинган табиий дурагай ҳисобланади. 4-5 йилда ҳосилга кирадиган ушбу лимон мевасининг оғирлиги 110–150 граммга боради.

— Сўнгги йилларда "Мейер" лимон навидан кўчат оляпмиз, — дейди Йўлдош Саимназаров. — Чунки, ҳосилдор бўлгани учун унга талаб катта. Бундан ташқари, яратилган навлардан олинадиган ҳосилни экспортбоп маҳсулотга айлантириш учун қайта ишлашни йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун эса замонавий асбоб-ускуналар ва малакали кадрлар керак. Боиси, йиллар давомида илмий-тадқиқот институтлари билан ишлаб чиқариш ўртасида анча узилиш юзага келган. Тўғри, Тошкент давлат аграр университетида цитрус ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш бўйича алоҳида йўналиш очилиб, кадрлар тайёрланяпти. Лекин талабаларнинг амалиёт ўташи учун янги ташкил этиладиган Цитрус, субтропик ва тропик ўсимликлар илмий-амалий маркази каби объектлар керак. Шу жиҳатдан, институтимиз ва янги марказ олдида амалга оширилиши керак бўлган катта вазифалар турибди.

Айни дамда цитрус меваларни етиштиришда замонавий технологиялардан кенг фойдаланилаётгани соҳа ривожидаги асосий омиллардан бўлиб хизмат қиляпти.

— Биз лимон етиштириладиган иссиқхоналарда симбағаз (устунлар) ўрнатиб кўрдик, — дейди Йўлдош Саимназаров. — Унда ҳозир боғдорчилик ва узумчиликда зарурий эҳтиёжга айланган томчилатиб суғориш жорий қилинган. Чунки ариқдан суғоришда сув кўп сарфланади, тупроқ эрозияга учрайди ва ҳ.к. Ҳозир дунёдаги аксарият давлатлар деҳқончиликда фақат томчилатиб суғориш технологиясини қўллайди. Бу сувни тежаган ҳолда ўсимликларни зарурий озуқа моддалари билан таъминлайди. Бунда ҳосилдорлик бир неча баробарга ошиб, турли касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш қулайлашади. Ўсимлик меваси тоза сақланади. Шунингдек, институтимизда мандарин кўчати ин-витро усулида кўпайтириляпти. Бу жараёнда ўсимликнинг ўсув нуқтасидан меристематик тўқималари олиниб, сунъий озуқа муҳитига экилади. Ўсимлик сунъий муҳитда илдиз отиши ҳисобига, кам майдонда кўп миқдорда кўчат етиштириш имконияти вужудга келади.

ИНСТИТУТ УЧУН ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Шу вақтга қадар институт лабораториялари жиҳозларининг эскиргани янги навларни яратиш, умуман юқори савияда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда муаммоларни юзага келтираётган эди. Йўлдош Саимназаровнинг айтишича, 2020 йилда Жаҳон банки томонидан институтнинг лаборатория биноларини таъмирлаш ва уларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратилган. Келаси йили Жаҳон банкининг 14 миллион долларлик кредит тизими ҳам институтга йўналтирилиши белгиланган. Мазкур маблағлар ҳисобига энг илғор технологиялар асосида коллекция боғлари яратилиб, кўчатчиликни янада ривожлантириш, барча иссиқхоналар қайта, замонавий типда қурилиши режалаштирилган. Илғор технологиялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш учун институтнинг бир қанча ёш илмий ходимлари Жанубий Корея, Япония, Туркия давлатларига малака оширишга юборилди. Мазкур ишларнинг барчаси юртимизда қишлоқ хўжалиги, хусусан, мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш ва Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу йўналиш экспортидан тушадиган валюта ҳажмини яқин йилларда беш миллиард АҚШ долларига етказишга хизмат қилади.

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ҒАЛЛАОРОЛ СОҲИБКОРЛАРИНИНГ НИЯТИ УЛУҒ

"САГ Агро Ғаллаорол" масъулияти чекланган жамияти бундан икки йил аввал Муллабулоқ қишлоғи ҳудудида 1 минг 200 гектар лалми майдонда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ёнғоқзор ташкил этди.

Худойберди КАРИМОВ,
журналист

Президентимиз ўтган йил январь ойидаги Жиззах вилоятига ташрифи чоғида вилоятда лалми майдонлардан фойдаланиш ҳолати талабга жавоб бермаслигини таъкидлаб, бундай ҳудудларда сув танқислигига чидамли ёнғоқзор, бодомзор ва пистазорлар ташкил этиш, томчилатиб суғориш технологиялари ёрдамида ер ости сувидан унумли фойдаланган ҳолда токзорлар яратиш, янги боғлар оралиғида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш лозимлиги юзасидан топшириқлар берган эди.

Ғаллаорол нафақат Жиззах вилояти, балки мамлакатимизнинг ҳам табиий шароити, иқлими ўзига хос ҳудудларидан бири. Бугун ушбу туманнинг деҳқончилик учун мўлжалланган ерлари 95 минг гектарни ташкил қилади. Ушбу майдонларнинг 84 минг гектари лалмикор. Ана шу далилнинг ўзи давлатимиз раҳбарининг Жиззахга бўлган ташрифида билдирган фикрлари Ғаллаоролга ҳам тегишли эканини тасдиқлайди. Ваҳоланки, ушбу туманнинг ҳам ички, ҳам ташқи бозорга рақобатбардош, давлат ва халқаро меъёрларга мос келувчи, экологик тоза мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб бериш борасидаги имкониятлари жуда катта.

Айтиш жоизки, туман мутасаддилари бу ҳақиқатни яхши англаган ҳолда жорий мавсум ва келгуси 10 йилликка мўлжалланган устувор вазифаларни белгилаб олди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ички бозорни тўлдириш, нархларнинг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, экспорт қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар режаси тузилди.

— Бу борада ўтган йилда ҳам арзирли натижаларга эриша олдик, — дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Умид Умрзоқов. — Жумладан, 800 гектарга яқин майдонда интенсив боғлар, 720 гектарда токзор, 250 гектарга яқин ерда пистазор ва бодомзор, 220 гектар майдонда ёнғоқзор ташкил этилди. Янги экинзорларни узлуксиз равишда сув билан таъминлаш мақсадида 115 та тик артезиан қудуқ қазилди. Эски боғларнинг экспорт қилинган ҳосили 5 миллион долларга яқин бўлди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг қарийб барча соҳа ва тармоқларига кириб бораётган кластер усули Ғаллаоролда ҳам ҳаётга татбиқ қилинаётир. Бугун туманда 5 та қишлоқ хўжалиги кооперацияси ташкил этилган. Улар ҳосил етиштиришдан тортиб, уни истеъмолга тайёр маҳсулот даражасига келтириш, маҳаллий ва хориж бозорларига чиқариб сотишни зиммаларига олмоқда. Кластерлар, шунингдек, 2 минг 300 гектар майдонда деҳқончилик қилиб келаётган 100 га яқин фермер хўжаликларини уруғ, ўғит, ёқилғи ва иш ҳақи учун маблағ билан таъминлаш, улар етиштирган ҳосилга харидор топиш юмушларини ҳам гарданига олади.

Қишлоқ хўжалигидаги янгиланиш ва ўзгаришларни тумандаги мавжуд томорқалардан унумли фойдаланиш соҳасида ҳам кўриш мумкин.

— Хонадонларга тегишли томорқаларнинг умумий майдони 3 минг 777 гектарни ташкил этади, — дейди туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари уюшмаси раиси Суннатилла Зиёдов. — Деҳқонларимиз 120 гектарда тўқсонбости усулида деҳқончилик қилмоқда. 85 гектар иссиқхоналаримиз бор. Баҳор келиши билан ҳовлиларда ҳам ишлар қизиб кетади. Умуман, бу йил томорқалардан 2,5 минг тонна мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари олишни кўзлаб турибмиз.

"САГ Агро Ғаллаорол" масъулияти чекланган жамияти бундан икки йил аввал Муллабулоқ қишлоғи ҳудудида 1 минг 200 гектар лалми майдонда инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ёнғоқзор ташкил этди.

Бу ерда 200 минг тупга яқин қурғоқчилик ва касалликларга бардошли Американинг "Чандлер" навли ёнғоқ кўчатлари томчилатиб суғориш усулида парваришланяпти. Қувурлар ёрдамида Қоровултепа сув омборидан 7 километр узоқликдан тортиб келинган обиҳаёт 70 минг метр куб сиғимга эга ҳовузга тўпланиб, компьютерлашган технологиялар ёрдамида ҳар бир дарахт илдизигача етиб боради.

Ғаллаорол соҳибкорларини қишлоқ хўжалиги техникалари, жумладан, боғроғлар орасида ишлай оладиган минитракторлар, ҳосилни сақлашга мўлжалланган махсус совитгичлар етишмаслиги ўйлантирмоқда. "Банкдан қарз олиб, техника харид қилай десак, гаров таъминоти талаб қилинади. Яхши ният ва режа билан эндигина иш бошлаётган оддий деҳқонда бунча катта маблағ нима қилсин. Ундан кўра, ана шу олинаётган техниканинг ўзини гаровга қўйиш ёки муаммони ҳал қилиш борасида бошқа бир жўяли таклиф бўлса, қанийди", дейишмоқда. Бизнингча, бу гапда жон бор. Муаммони ўз вақтида бартараф қилиш зарур. Ана шунда турмушимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлигининг бош сабабчиси бўлган миришкор деҳқонлар фаолияти янада ривож топади.

ФЕСТИВАЛЬ

"SPRING FESTIVAL" ТЎРТ МАМЛАКАТ МАДАНИЯТИНИ АКС ЭТТИРДИ

И.ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Баҳор фасли нафақат бетакрор табиати, балки бир-бирини такрорламайдиган гўзал байрамлари билан ҳам севимлидир. Неча асрлардирки, янгиланиш айёмини жамики халқлар ўзгача шукуҳ, кўтаринки кайфиятда қарши олади.

Кўп миллатли, бағрикенг халқимиз баҳор тантаналарини турли миллат ва элат вакиллари билан ҳамжиҳатликда нишонлаши анъана тусига кирган. Юнусобод туманидаги 260-мактабда катта синф ўқувчилари иштирокида инглиз тилида ўтказилган тадбирда ҳам Ҳиндистон, Буюк Британия, Япония ва Ўзбекистонда баҳор фаслининг кутиб олиниши ва ушбу халқларнинг кўклам байрамларига хос урф-одат, анъаналари рақс ва саҳна кўринишлари тарзида намойиш этилди.

— Мактабимизда ўқувчиларга 1-синфдан бошлаб инглиз тили фани ўқитилади, — деди мактабнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Валида Мамлиева. — Баҳор айёмлари муносабати билан ўтказилаётган бугунги тадбирда ўғил-қизларимиз нафақат тил бўйича, балки давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббус доирасида ўзларининг санъат, ижрочилик бўйича иқтидорларини намоён этишди. Мактабимизда турли миллат болалари таҳсил олади. Бу каби тадбирлар уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбирга ЎзДЖТУ инновация маркази, Тошкент фармацевтика институти, Ҳиндистон маданият марказидан меҳмонлар ҳамда ота-оналар таклиф этилди. Ўқувчилар ўзларининг бадиий чиқишлари, саҳна кўринишлари, айниқса, инглиз тилида аниқ ва равон сўзлашлари билан йиғилганлар олқишига сазовор бўлди.

Қатнашчилар тўрт мамлакатнинг баҳорий миллий таомлари билан ҳам яқиндан танишишди. Кўтаринки рухда ўтган тадбир тантаналари устозларнинг табрик ва қутловларига уланиб кетди.

Биз ўзбек ва тожик халқлари ўртасида дўстлик кўпригини мустаҳкамлаш бўйича астойдил ҳаракат бошладик. Ниятимиз ёр бўлиб, эзгу мақсадларимизга эришамиз, иншооллоҳ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 7 март, 31-сон

КЎПНИНГ ДУОСИ ИЖОБАТ БЎЛГАЙ

ЁКИ ИККИ ЙИЛ ОЛДИН ЎТҚАЗИЛГАН ДЎСТЛИК ДАРАХТИ ТОТЛИ МЕВА БЕРМОҚДА

Саноқли дақиқаларда бир томондан иккинчи томонга асаббузарликларсиз ўтасиз. Постдан ўтганлар, хусусан ҳаётнинг паст-баландини кўрган ёши улуғ инсонлар қўлларини очиб, икки давлат раҳбарлари ҳаққига дуо қиладилар.

Шоқаҳҳор САЛИМОВ

Халқимизда "Ён қўшни — жон қўшни" деган ажойиб мақол бор. Бу мақолни мамлакатлар ўртасидаги қўшничиликка ҳам боғласа бўлади. Афсуски, маълум муддат ён қўшниларимиз билан муносабатларимизга дарз кетиб, минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келган халқлар ўртасига чегаралар тортилди.

Ўзбек ва тожик халқлари асрлар давомида қондош ва жондош, қуда-анда бўлиб яшаб келган. Кўриниши ўхшашлигидан ташқари, маънавий олами, адабиёти, мусиқаси, турмуш тарзи бир-бири билан бу даражада қоришиб кетган икки халқни дунёда учратиш қийин. Шоирларимиз таъбири билан айтганда, улар бир дуторнинг икки тори, бир дарахтнинг икки шохидир. Лекин чегаралар ёпилгач икки халқ ўртасидаги борди-келди тўхтаб қолди. Ваҳоланки, отаси Тожикистонда, ўғли Ўзбекистонда, ёки акаси у давлатда, укаси бу давлатда истиқомат қиладиган минглаб оилалар бор эди.

Ниҳоят, кўпнинг дуоси ижобат бўлиб интизор кутилган кунлар келди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистон пойтахти — Душанбе шаҳрига тарихий ташриф билан борди. Бу воқеа икки миллат, икки давлат муносабатлари тарихида янги саҳифа очди, икки халқ ҳаётининг барча соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини сон ва сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида халқларимиз дўстлигининг шонли анъаналари бугун сув ва ҳаводек зарурлиги, ушбу бебаҳо меросни асраб-авайлаш ва ривожлантириш келажак авлодлар олдидаги муқаддас бурчимиз эканини таъкидлади.

"Биз ўзбек ва тожик халқлари ўртасида дўстлик кўпригини мустаҳкамлаш бўйича астойдил ҳаракат бошладик. Ниятимиз ёр бўлиб, эзгу мақсадларимизга эришамиз, иншооллоҳ.

Биз дўстлик ва инсонийлик нуқтаи назаридан қўшниларимиз билан, аввало, қардош Тожикистон билан ҳамиша дўст ва биродар, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўламиз", деди давлатимиз раҳбари.

Журналист, тарихчи сифатида давлатлараро, минтақаларо муносабатлар тарихида кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлганман. Аммо ўзининг амалий маҳсули ва натижаси билан ўн миллионлаб аҳолини қувонтирган бу ташриф каби тарихий учрашувни кўрмаганман. Энг муҳими, Президентимизнинг Душанбега ҳамда Тожикистон Президентининг 2018 йил 17 август куни Тошкентга қилган ташрифи асосида имзоланган ҳужжатлар ҳаётга тўла татбиқ этилмоқда, уларнинг натижалари, айтиш мумкинки, икки мамлакат аҳолиси ҳаётида яққол кўзга ташланмоқда. Икки пойтахт ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди, виза бекор қилинди. Бу ишлар миллионлаб инсонларни чексиз қувонтирди.

Бугун икки давлат чегараларида 17 та чегара пунктлари ишлаб турибди, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатига қулай имкониятлар яратилган. Барча постлар замонавий коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Саноқли дақиқаларда бир томондан иккинчи томонга асаббузарликларсиз ўтасиз. Постдан ўтганлар, хусусан ҳаётнинг паст-баландини кўрган ёши улуғ инсонлар қўлларини очиб, икки давлат раҳбарлари ҳаққига дуо қилади. Биринчи марта ўтаётганларнинг кўзларида хурсандчилик ёшини кўриб, шу кунларга етказганига шукр дейсиз.

Бу эзгу қадамлар, аввало, халқларимиз ҳаётида мамнунлик, бир-бирини қадрлаш, бародарлик туйғусини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим манба бўлиб хизмат қилаётир.

— Турмуш ўртоғим сўнгги йилларда умуртқа хасталигидан озор чекаётганди. Шифокорлар Тошкентдаги нейрохирургия мутахассисларига кўрсатишимизни маслаҳат беришди, — дейди Истаравшан шаҳрилик Имомназар Худойназаров. — Чегарадан ҳеч қандай қийинчиликсиз ўтдик. Тошкент тиббиёт академияси нейрохирургия бўлими ходимлари бизни яхши кутиб олди, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган поликлиникада текширувдан ўтказди. Ўзбек шифокорларининг қўли енгил экан, жарроҳлик амалиёти муваффақиятли кечди, яна уч бор текширувга келдик. Айни пайтда турмуш ўртоғимнинг аҳволи яхши. Ҳар куни шифокорлар ҳаққига дуо қилади.

— Бизнинг шифохонамизга Тожикистондан, хусусан Сўғд вилоятидан кўплаб беморлар дардларига даво истаб мурожаат этишади, — дейди Тошкент врачлар малакасини ошириш институти онкология кафедраси доценти, "Шуҳрат" медали соҳиби Комилжон Абдурахмонов. — Биз имкон қадар уларнинг дардларига малҳам бўлишга ҳаракат қилмоқдамиз. Эшитишимча, Сурхондарё вилоятидан Душанбе шаҳрига бориб, дардига даво топаётганлар ҳам оз эмас экан. Икки мамлакат врачлари имконияти, илмий салоҳиятини бирлаштирсак, тажрибаларимизни ўргансак, бу миллатларимиз соғлиғини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Чегаралар очилганидан сўнг шаҳримизга ташриф буюраётган тожикистонлик сайёҳлар, зиёратчилар сони кун сайин ошиб бормоқда, — дейди Самарқанд шаҳридаги "Бўстон туризм" сайёҳлик фирмаси раҳбари Аббос Ҳазратқулов. — Биз улар учун кўҳна шаҳримизнинг барча туристик имкониятини, шу жумладан меҳмонхоналар сервисини муҳайё қиляпмиз. Улар юртимиздаги улкан ўзгаришлардан ҳайратда.

Бундай хуш ва фараҳбахш манзарани барча соҳаларда кўриш мумкин. Масалан минтақамиздаги энг йирик ҳаво дарвозаси ҳисобланган Тошкент аэропорти имкониятидан тожикистонликлар ҳам бемалол фойдаланмоқда. Атоқли физик олим, профессор Сабур Абдуллаев бундан бир неча йил олдин Малайзия мамлакатида бўлиб ўтган илмий анжуманда иштирок этиш учун йўлга чиққанда роса қийналган экан. Чунки Душанбедан бу мамлакатга авиақатнов йўқ. Яқинда у навбатдаги сафари чоғида "Тошкент — Куала-Лумпур" авиайўналиши хизматидан фойдаланибди.

— Илгари Душанбедан Куала-Лумпурга Москва орқали борардик, — дейди олим. Йўллар очилганидан сўнг Тошкентдан учяпмиз. Тожикистонлик транзит йўловчилари учун берилган визасиз 72 соат бизга жуда қулай. Дўстлар, касбдошлар билан дийдорлашамиз, гўзал Тошкентни айланамиз.

Бугун икки мамлакат бозорларида икки халқ деҳқонлари, ҳунармандлари меҳнатлари маҳсулини бемалол харид қилиш мумкин. Хўжанд шаҳридаги "Ўзбекистон" бозори эл оғзида. Икки давлат раҳбарлари раҳнамолигида ҳудудлараро ҳамкорлик ва интеграциялашув жараёнлари авж олган. Бу борада Фарғона ва Суғд вилоятларининг қўлга киритаётган ютуқлари қувонарли. Тошкент ва Душанбе тадбиркорлари ҳам йирик-йирик лойиҳаларни амалга оширмоқдалар. Икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш 2018 йил 2017 йилга қараганда 131 фоизга (124 миллион АҚШ долларидан 287 миллион долларга) ошган. Бу жараён муттасил давом этмоқда.

Халқлараро, минтақаларо интеграцияда адабиёт ва санъат вакилларининг ўрни алоҳида эканлигини яхши биламиз. Атоқли адиб Мирзо Турсунзода ўтган асрнинг йигирманчи йиллари Тошкентда таҳсил олган. Бу шариф инсон ўзбек тилини яхши биларди, ўзбек халқига ҳурмати бўлакча эди. Ўтган йили баҳорда Тошкентда адиб таваллудининг 108 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ажойиб тадбир ташкил этилди. Тадбирда иштирок этган Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосим бундай тадбирлар устозлар руҳини шод этаётганлигини таъкидлади.

– Биз 2018 йили "Садойи Шарқ" журналининг 6-сонини ўзбек адабиётига бағишладик, — дейди Низом Қосим. — Бундан олдинроқ, "Жаҳон адабиёти"нинг апрель ойи сонидан тожик адабиёти намуналари ўрин олган эди. Ҳа, орамиздаги баланд деворлар қулади, қалбларимизга йўл топдик, адабиёт дўстлик кўпригига айланди. Яқин кунларда биз Душанбе шаҳрида атоқли ўзбек шоири Эркин Воҳидовнинг ҳаёти ва адабий меросига бағишлаб тадбирлар ўтказамиз. Бу тадбирда ўзбекистонлик адиблар қадрли меҳмон бўлиб иштирок этадилар. Биз аждодларимизнинг гўзал услуби — зуллисонайнлик анъанасини тиклашимиз лозим. Тожикистонлик ўзбекзабон шоиримиз раҳматли Ўлмас Жамолнинг "Тожикистон ўғлидурман, ўзбегим гуфто писар" матласи билан бошланадиган ғазални эслайлик-а!

Шу мазмундаги дил сўзларини икки халқнинг севимли хонандаси, халқ артисти Жўрабек Муродовдан ҳам эшитдик. У киши ҳақиқатан ҳам, ўзбекларнинг яқин дўсти. Ўзбекистоннинг қайси бурчагига бормасин, унинг қўшиқлари икки тилда янграйди, устозлари Фахриддин Умаров, Комилжон Отаниёзовнинг суҳбатларида кўп бўлган улуғ санъаткор жорий йилда 35 йилдан сўнг Ўзбекистонда концерт бермоқчи.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида минтақамиздаги мамлакатлар билан барча соҳаларда дўстона муносабатлар, ҳамкорлик алоқаларини янги поғонага кўтариш хусусида гапириб, жумладан шундай деди: "Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз".

Мақолага Мавлоно Румийнинг қуйидаги сатрлари билан нуқта қўймоқчиман:

"Мо баройи васл кардан омадем,
Не баройи фасл кардан омадем".

Яъни, биз бу дунёга ажралиш учун эмас, бирлашиш учун келганмиз.

ИЖОД МАКТАБИ

Маматкарим АБДУМЎМИНОВ олган суратлар.

"ДОРИЛОМОН КУНЛАР КЕЛДИ, ШАФАҚЛАРИ ОЛ..."

Гулчирой ИСОҚОВА

Президентимиз 2019 йил 19 февраль куни Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабини ташкил этишни таклиф қилган эди. Яхши ният билан илк пойдевори қўйилган бу мактаб ҳозирда санъат, адабиёт ихлосмандларини бир жойга тўплаган ижод масканига айланди.

"Юрт байроғин ҳар жойгамас,
кўнглингга эк, кўксингни ўй
Ишлов бергин юмшатиб тур,
илдиз отсин, кўрсатиб бўй".

Ушбу мисралар руҳида бинога кириб бориш ҳар бир ўғил-қизда ватанга бўлган муҳаббатни янада кучайтиради, фахр туйғусини уйғотади.

Давлатимиз раҳбари "Ёрқин истеъдод эгаси, улкан сўз санъаткори Ҳалима Худойбердиева ўзининг сермазмун, бадиий юксак шеър ва достонлари, долзарб мавзуларга бағишланган публицистик мақолаларида азиз Ватанимиз ва халқимизга, азалий қадриятларимизга меҳр ва садоқат, мўътабар аёл ва она сиймосига эҳтиром туйғуларини беқиёс маҳорат билан тараннум этди. Унинг ёрқин миллий руҳ ва ҳаётий фалсафа билан йўғрилган бетакрор ижоди ўзбек адабиёти хазинасидан, эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллади," — дея халқнинг севимли шоираси ижодига юксак баҳо берган эди.

Ҳалима Худойбердиева номидаги она тили ва адабиёти фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган ижод мактаби 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда ўқув хоналари, шоира ҳаёти ва ижодига доир музей, кутубхона, музокаралар ҳамда фаоллар зали, нашриёт ва тўгарак хоналари, 100 ўринли ошхона ва ётоқхона, спорт зали, ёзги спорт майдони, қишки боғлар мавжуд.

— Ижод мактабида болаларимиз учун қўйилган илк пойдевор — шаффофликдан бошланди, — дейди ижод мактаби директори Муҳаммад Исмоил. — Ҳозирда Туркия давлати билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Медиа марказ яратиш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқяпмиз. Буларнинг барчаси кўзи ёниб турган ёшларимизнинг салоҳиятини оширишга қаратилган.

Ижод мактабига 25 нафар фидойи, ижодкор, олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар ишга қабул қилинган. 2019-2020 ўқув йили учун вилоятимиз ҳудудида жойлашган умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасидан ижодкор, истеъдодли ўқувчиларни танлаб олиш мақсадида ўтказилган қабул жараёнларида 5–8-синфларда ўқиш истагини билдирган 800 нафар ўқувчи ҳужжат топширди. Жорий ўқув йилида мактабнинг 5-, 6-, 7- ва 8-синфларига ижодий имтиҳонлар ва тест синовлари асосида 120 нафар ўқувчи саралаб олинди.

Бино архитектураси нафақат замонавийлиги, балки миллий руҳда жиҳозланганлиги билан алоҳида аҳамият касб этиб турибди. Ижодкор ҳаётига бағишланган музей ўқувчилар учун шоира ҳаётига оид билимлар ва хотиралар масканига айланиб улгурди. Бу ерда 5 та муҳим ташаббус доирасида ўтказиб келинаётган турли танловлар ва кўргазмаларда кўплаб истеъдод эгалари кашф этилмоқда. 13 та тўгарақда ёшлар мактабнинг ўзидаёқ муайян касб эгалари бўлиб етишади. Мунтазам ўтказиб борилаётган маҳорат дарслари, ёзувчилар ва депутатлар билан ижодий тадбирлар ўқувчилар ва устозларни янада яқинлаштиряпти.

— Мактабимизда барча ўқувчилар бир-бирларига "Сиз"лаб мурожаат қилиши ва доимо ўзимизнинг миллий кийимларимизда юриши менга жуда ёқади, — дейди 7-синф ўқувчиси Шаҳло Давронбекова. — Барча ўқувчилар тўгаракларга қамраб олинган. Рус, инглиз, турк ва корейс тилларини ўрганишга қизиқиш баланд.

Ёшларнинг бугунги кундаги ўқиш-ўрганиш, доимий изланиш, илм-фанга, тараққиёт чўққиларини эгаллашга интилишлари улуғ шоиранинг ушбу сатрларига ҳаётий ҳамоҳанглик касб этган: "Дориломон кунлар келди, шафақлари ол ..."

Ижод мактабида болаларимиз учун қўйилган илк пойдевор — шаффофликдан бошланди, — дейди ижод мактаби директори Муҳаммад Исмоил. — Ҳозирда Туркия давлати билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Медиа марказ яратиш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқяпмиз. Буларнинг барчаси кўзи ёниб турган ёшларимизнинг салоҳиятини оширишга қаратилган.

БОКС

ҚИЗҒИН ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Абулҳай ЮНУСОВ

Иорданиянинг Амман шаҳрида Осиё-Океания минтақаси боксчилари ўртасида Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун саралаш баҳслари давом этмоқда.

Элнур Абдураимов -63 кг. вазнда илк жангини филиппинлик Жеймс Палистега қарши ўтказиб, яққол устунлик билан ғалаба қозонди.

-69 кг. вазн тоифасида Бобоусмон Ботуров илк жангида янги зеландиялик Рой Доминикни мағлуб этди.

Мусобақанинг кейинги босқичига йўл олган Фанат Қаҳрамонов иккинчи жангида самоалик Янсен Пуотани енгди. Энди боксчимиз чорак финалда қозоғистонлик кучли боксчи Абилхон Аманқулга қарши рингга кўтарилади.

Афсуски, -81 кг. вазнда Дилшодбек Рўзметов илк жангида австралиялик Пауло Аокусога қарши баҳсда имкониятни бой берди. Терма жамоамиз вакилларининг таъкидлашича, мағлубиятга ҳакамларнинг тушунарсиз қарори сабаб бўлган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 903.
42952 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 00:10 Топширилди — 03:28 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Навбатчи: Аброр Умарқулов
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15